



140704, Ishtixon shahri, Ishtixon ko'chasi-4-uy
Tel.: (8-366) 629-15-10, faks (8-366) 629-11-54

140704, г.Иштыхан ул. Иштыханская д.4,
Тел: (8-366) 629-15-10, факс (8-366) 629-11-54

2016 у.г «18» октябрь

№ 1692-к

Ishtixon sh.-г.Иштыхан

Тумандаги "NAVRO'Z NASHIDASI" оилавий корхонасига "Ҳақиқат" кишлоқ фуқаролар йиғини Одил кишлоғи худудидан "Маданий маросимлар ўтказиш маскани, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси, автотеххизмат, мехмонхона ҳамда нонвойхона" биноларини қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 февралдаги "Шахарсозлик фаолиятини амалга ошириш ҳамда кишлоқ хўжалигига оид бўлмаган эҳтиёжлар учун ер участкалари бериш, шунингдек объектларни қуришга рухсатномалар бериш тартибини тубдан соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 54-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида Иштыхан туманидаги "NAVRO'Z NASHIDASI" оилавий корхонасининг "Маданий маросимлар ўтказиш маскани, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси, автотеххизмат, мехмонхона ҳамда нонвойхона" биноларини қуриш учун ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган хатига асосан, "Ҳақиқат" кишлоқ фуқаролар йиғини Одил кишлоғи худудидаги 464-контурда жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган, кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ер тоифасидаги ер майдонидан "Маданий маросимлар ўтказиш маскани, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси, автотеххизмат, мехмонхона ҳамда нонвойхона" биноларини жойлаштириш бўйича "Давархитектқурилиш" кўмитасининг 2002 йил 13 ноябрда тасдиқланган Регламентига асосан "Қишлоққурилишлойиха" МЧЖдан олинган 2016 йил 13 сентябрдаги 09-16/60-1179-сонли ижобий хулосасини, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 4 октябрдаги 1692-сонли хулосасини ва туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) комиссияси аъзоларининг 2016 йил 22 октябрдаги 39-сонли далолатномасини кўриб чиқиб

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. "Қишлоққурилишлойиха" МЧЖдан олинган 2016 йил 13 сентябрдаги 09-16/60-1179-сонли ижобий хулосаси, вилоят табиатни муҳофаза қилиш кўмитасининг 2016 йил 4 октябрдаги 1692-сонли хулосаси маълумот учун қабул қилинсин, туман ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқиш комиссияси аъзоларининг 2016 йил 22 октябрдаги 39-сонли далолатномаси тасдиқлансин.
2. "Ҳақиқат" кишлоқ фуқаролар йиғини Одил кишлоғи худудидаги 464-контурда жойлашган туман ҳокимлиги захирасида бўлган, кишлоқ хўжалиги ва ўрмон хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ер тоифасидаги ер майдонидан "NAVRO'Z NASHIDASI" оилавий корхонасига "Маданий маросимлар ўтказиш маскани, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси, автотеххизмат, мехмонхона ҳамда нонвойхона" биноларини қуриш ва ободонлаштириш учун умумий майдони 1,2 (бир бутун икки) гектар ер майдони доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.
3. "NAVRO'Z NASHIDASI" оилавий корхонаси (Ж.Сайдазимов)га рухсат этилган ер майдони бўйича белгиланган тартибда лойиха олди ва лойиха ҳужжатларини тайёрлаб, тегишли ташкилотлардан рўйхатдан ўтгандан сўнг қурилиш ишларини бошлашга рухсат берилсин ва қурилиш ишларини қонун бўйича белгилаб қуйилган муддатда фойдаланишга топшириш вазифаси юклатилсин.
4. Туман ер ресурслари ва Давлат кадастри бўлими (Р.Халилов)га ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан ўзидаги ҳужжатларга ўзгартириш киритиш, туман бош архитектори (И.Азимов)га ушбу ер майдонида "Маданий маросимлар ўтказиш маскани, савдо ва маиший хизмат кўрсатиш шахобчаси, автотеххизмат, мехмонхона ҳамда нонвойхона" биноларини қурилишини лойиха асосида амалга оширилишини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
5. Туман ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри Давлат корхонаси (Х.Астанов)га ушбу ер майдонини назорат қилиш вазифаси топширилсин.
6. Ушбу қарор ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари С.Валиев зиммасига юклатилсин.

Туман ҳокими

Ш.Негматов